

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 05 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, ўзининг биносида, очик суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси Э.Абдуллаевнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари: 1. А.Вахабов ва 2. К.Ишановлардан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси З.Қўлдашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Дадабоев, судланувчилар Н.Мухамедов ва унинг адвокати М.Раззақов, судланувчи Э.Муйдинов ва унинг адвокати Р.Каробоев, аризачи Б.Эгамов ва унинг адвокати Ё.Тожибоевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган Мухамедов Носиржон Алиджанович ва Муйдинов Эркин Хақимджановичларни айблаш ҳақидаги 1-1601-2204/56-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

1) Судланувчи Муйдинов Эркин Хақимджанович, 07.05.1972 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1) 29.10.2008 йил куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан ЖК нинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 205-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 207-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 6.520.500 сўм жарима ва иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) 26.05.2014 йил куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан ЖК 167-моддаси 2-қисми “а,б,в,г” бандлари, 184-моддаси 3-қисми 189-моддаси 3-қисми, 205-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан ЖК 45,59,61-моддалари тартибида 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 310 баравари миқдорида 29.792.150 сўм жарима жазоси тайинланган;

3) 27.11.2020 йил куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг ҳукми билан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖК 60,61,62-моддалари тартибида узил кесил, 2 йил 10 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, энг кам ойлик иш ҳақининг 310 баравари миқдорида 29.792.150 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўлиқ ундирилган, ҳозирда ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 2 йилни ташкил қилади, “Сувоқова” ДУК Наманган шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари, Наманган шаҳри, “Меҳрибонлик”



МФЙ, Нақшбандий кўчаси 26 уйда яшаган, иш бўйича 27.12.2021 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоқда, айблов хулосаси нусхасини 15.01.2022 йил куни ва ўз вақтида олган.

2) Судланувчи Мухамедов Носиржон Алиджанович, 18.05.1971 йил куни Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1) 22.07.2005 йил куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан ЖК 233-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖК 72-моддасини қўллаб, 1 йил синов муддати белгиланган, жазодан 02.12.2005 йил кунги Амнистия қарорига асосан озод қилинган;

2) 17.09.2014 йил кунги жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазодан 10.11.2017 йил куни муддати тугаб озод қилинган, Наманган шаҳар Ғунча МФЙ 7-берк Сўлим кўчасида яшаган, иш бўйича 27.12.2021 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоқда, айблов хулосаси нусхасини 15.01.2022 йил куни ва ўз вақтида олган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлар бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистемол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Б.Эгамовга захирадаги ер майдонларини унинг номига танишлари орқали эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни яъни ҳокимлик мансабдор шахслари ва қурилиш бўлими мансабдор шахслари орқали расмийлаштириб беришини айтиб, 2018 йилнинг баҳор ойларида аризачи Б.Эгамовга 5400 АҚШ доллари эвазига Наманган шаҳар Машъад маҳалласи ҳудудида жойлашган 2 та 4 сотихдан жами 8 сотих ер майдонига эгалик ҳуқуқини берувчи Наманган шаҳар ҳокимининг қарори ва кадастр ҳужжатларини шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари ва шаҳар қурилиш бўлими мансабдор шахслари орқали расмийлаштириб беришлигини айтиб, аризачи Б.Эгамовдан 5400 АҚШ долларини олиб, уни пора беришга далолат қилиб, унинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишда, шунингдек такроран 2018 йилнинг ёз ойларида аризачи Б.Эгамовга 4000 АҚШ доллари эвазига Наманган шаҳар Машъад маҳалласи ҳудудида жойлашган 3 та 4 сотихдан жами 12 сотих ер майдонига эгалик ҳуқуқини берувчи Наманган шаҳар ҳокимининг қарори ва кадастр ҳужжатларини шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари ва шаҳар қурилиш бўлими мансабдор шахслари орқали расмийлаштириб беришлигини айтиб, аризачи Б.Эгамовдан



4000 АҚШ долларини олиб, уни пора беришга далолат қилиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритишда, шунингдек, такроран 2019 йилнинг июнь ойида аризачи Б.Эгамовга 4500 АҚШ доллари эвазига Наманган шаҳар Машъад маҳалласи ҳудудида жойлашган 3 та 4 сотихдан жами 12 сотих ер майдонига эгалик ҳуқуқини берувчи Наманган шаҳар ҳокимининг қарори ва кадастр ҳужжатларини шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари ва шаҳар қурилиш бўлими мансабдор шахслари орқали расмийлаштириб беришлигини айтиб, аризачи Б.Эгамовдан жами 1.775 АҚШ долларини олиб, уни пора беришга далолат қилиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритишда, шунингдек, такроран 2019 йилнинг ёз ойларида 15.500 АҚШ долларига тенг бўлган 132.959.000 сўм маблағини Наманган шаҳар Машъад маҳалласи ҳудудида жойлашган 5 та 4 сотихдан жами 20 сотих ер майдонига эгалик ҳуқуқини берувчи Наманган шаҳар ҳокимининг қарори ва кадастр ҳужжатларини шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари ва шаҳар қурилиш бўлими мансабдор шахслари орқали расмийлаштириб беришлигини айтиб, аризачи Б.Эгамовни алдаб, ундан бўлиб-бўлиб жами 15.500 АҚШ долларини пора беришга далолат қилиб олиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, аризачи Б.Эгамовни алдаб, жами бўлиб 29.400 АҚШ доллари миқдорида Б.Эгамовни пора беришга далолат қилиб, шундан жами 26.675 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлар бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистемол қилиш йўли билан захирадаги ер майдонларини унинг номига танишлари орқали эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ҳокимлик мансабдор шахслари ва қурилиш бўлими мансабдор шахслари орқали расмийлаштириб бериш эвазига 2021 йил сентябрь ойида аризачи Б.Эгамовни ҳокимият вакилларига пора беришга далолат қилиб, Наманган шаҳар Машъад маҳалласи ҳудудида жойлашган 5 та хар бири 4 сотихдан бўлган жами 20 сотих ер майдонига эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириб беришликни ваъда қилиб, давлат органи мансабдор шахсларини манфаатдор этиш орқали пора беришга далолат қилиб, Б.Эгамовни пора беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиб, ундан 3.500 АҚШ долларини талаб қилиб, олдиндан 1.400 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини беришга кўндириб, судланувчи Н.Мухамедов орқали Б.Эгамовдан кимёвий ишлов берилган 1.400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни 2021 йил 07 октябрь куни олган вақтида ашёвий далиллар билан тезкор тадбир иштирокчилари томонидан қўлга олиниб, пора беришга далолат қилиб, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилганлар.

Судланувчи Н.Мухамедов, судда айбига қисман иқдорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам терговдаги кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашлигини, кўрсатувларини танишиб чиқиб имзолаганлигини, ҳақиқатдан аризачи Б.Эгамовни танишлигини, у билан бир неча маротаба ер олди-соттиси билан шуғулланганлигини, “Сувоқава” ДУК Наманган шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари судланувчи Э.Мўйдинов билан танишлигини, Наманган шаҳар, Навоий кўчасида яшовчи фуқароларнинг уйлари бузилгани учун ҳар бир оила учун 4 сотихдан ер майдони ажратилиб, Наманган шаҳар, Машъад МФЙ



худудидан ажратиб берилганлигини, 2018 йилнинг баҳор ойларида Э.Мўйдинов билан кўришган вақтида, Наманган шаҳар, Машъад МФЙ худудида 2 та, 4 сотихдан жами 8 сотих ер майдони борлиги, ушбу ер майдонини сотмоқчи эканлигини айтганлигини, Б.Эгамов 2 та паспорт нусха, яъни Эгамова Матлуба ва Эгамова Муслималарнинг шахсига оид ҳужжати нусхасини унга берганлигини, у эса Э.Мўйдиновга берганлигини, Э.Мўйдинов ушбу паспорт нусхасини айнан кимга берганлигидан хабари йўқлигини, ушбу ер майдони устида Б.Эгамов билан кўришиб, 2 та, 4 сотихдан жами 8 сотих ер майдонига эгалик қилиши юзасидан шаҳар ҳокимининг қарорини Наманган шаҳар архитектура бўлимида фаолият юритган таниши Э.Мўйдинов орқали расмийлаштириб бериши эвазига 5.400 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олганлигини, у ушбу миқдордаги пул маблағларини олишдан олдин Э.Мўйдинов билан биргаликда ушбу манзилдаги 4 сотихдан жами 8 сотих ер майдонига бориб, ушбу ер майдонини Э.Мўйдинов билан кўриб, Б.Эгамов билан ўзаро боғланиб, яшаш хонадонининг ёнида 4 сотихдан жами 8 сотих ер майдони борлиги, олиш олмаслигини сўраган вақтида у олишлигини айтганлигини, Б.Эгамовдан 5.400 АҚШ долларини олиб, 5.000 АҚШ долларини Э.Мўйдиновга берганлигини, қолган 400 АҚШ долларини ўзининг улуши сифатида олиб қолганлигини, ўша вақтларда Б.Эгамов ер майдонига “Исмоил” исмли ер тузувчи келиб, ер майдонини эгаллаб олганлигига эътироз билдираётганлигини айтганлигини, шунда Э.Мўйдинов ушбу масалани ўзи ҳал қилишини айтганлигини, у маклерлик фаолияти билан шуғулланганлиги сабабли уйлари бузилишга тушган одамларга ажратилган ер майдонларини сотиб олиб сотиш билан шуғулланганлигини, ҳақиқатдан Б.Эгамов улардан бир неча маротаба ер майдонлари сотиб олиб у ҳам бошқаларга сотиб юрганлигини, ўша вақтларда хонадонлар бузилишга тушмай қолганлиги сабабли ер майдонлари одамларга ажратилмай қолганлиги сабабли бера олмишмаганлигини, ҳақиқатдан 2018 йилнинг ёз ойларида Б.Эгамовга Наманган шаҳар, Машъад МФЙ худудидаги яшаш хонадони атрофида 3 та, ҳар бир 4 сотихдан жами 12 сотих ер майдони борлиги, ушбу бўш турган ер майдонларини суриштириб кўришини, ер майдонларини сотиб олишини унга айтганлигини, у Э.Мўйдинов билан гаплашган вақтида ҳақиқатдан ҳам 3 та, ҳар бири 4 сотихдан жами 12 сотих ер майдони борлиги, ушбу ер майдони ўзига тегишли эканлиги, уни сотиши, сотиб олган шахснинг номига ўтказилишини айтганлигини, ушбу жой учун 2.000 АҚШ долларини Б.Эгамовдан олганлигини, ушбу 2.000 АҚШ долларидан 1.900 АҚШ долларини Э.Мўйдиновнинг кўрсатмасига асосан у томонидан айтилган сантехника жиҳозлари ва бошқа ҳаражатларга сарфлашганлигини, қолган 100 АҚШ долларини эса ўзининг эҳтиёжларига ишлатганлигини, шу тариқа пуллар олинганлигини, орада Б.Эгамовга уй-жойга эгалик қилиши юзасидан Наманган шаҳар ҳокимининг қарори расмийлаштириб берилмаганлиги сабабли, Б.Эгамов унинг ёнига келиб, 4.000 АҚШ доллари берган бўлсада, шаҳар ҳокимининг қарори расмийлаштириб берилмаганлигини айтганида, у унинг сўзларини тинглаб, шаҳар ҳокимининг қарорини расмийлаштириш билан Э.Мўйдинов шуғулланаётганлиги, агарда а у билан суҳбатлашиб кўришини айтиб, унинг фойдаланувида бўлган



уяли алоқа телефони рақамини берганлигини, ўша вақтда ҳақиқатдан Б.Эгамов Э.Мўйдинов телефонда суҳбатлашганда, Э.Мўйдинов ушбу сўзларини тинглаб, ушбу ҳолатдан хабари борлиги, шаҳар ҳокимининг қарори расмийлаштирилаётганлиги айтганлигини, агар қўлларидан келмаса пулларни қайтариб беришлигини Б.Эгамов айтганлигини, ўшанда у Б.Эгамовдан олган 4.000 АҚШ долларини Э.Мўйдиновга берганлигини айтганлигини, Э.Мўйдинов унинг сўзларини тасдиқлаб, Б.Эгамовнинг ер майдонга эгалик қилиши юзасидан шаҳар ҳокимининг қарори тайёр бўлаётганлиги, биров сабр қилиб туришини айтганлигини, шу тариқа бир неча маротаба ҳаракат қилинганлигини, ҳақиқатдан Б.Эгамов бир неча маротаба у билан Э.Мўйдиновнинг яшаш хонадонига борганлигини, шу тариқа орадан анча вақт ўтиб кетганлигини, Э.Мўйдинов ҳужжатларни расмийлаштириб бериш юзасидан ҳаракат қилаётганлиги, 3 та, ҳар бири 4 сотихдан жами 12 сотих ер майдони учун 8.500 АҚШ доллари беришини айтганлигини, шунда Б.Эгамов ушбу ер майдонини 8.500 АҚШ доллари эмас, балки 8.000 АҚШ долларига олишини, ушбу ер майдони учун 4.000 АҚШ долларини унга берганлигини айтганлигини, орадан тахминан 1 ой муддат ўтиб, у Б.Эгамовга 2 нусхадаги ҳисоб рақамни бериб, АТБ “Ипотека банк” Наманган филиалига бориб, тўлов қилиши кераклигини айтганлигини, Б.Эгамов мазкур банк филиалига бориб, 256.000 сўмдан жами 512.000 сўм миқдоридан пул маблағларини тўлаганлигини, Б.Эгамов ушбу пул маблағини 4 сотихдан 2 та ер майдони учун шаҳар кадастр бўлими ходимлари томонидан кадастр хизмати кўрсатилганлиги учун тўлаб, тўлов квитанциясини унга олиб келиб берганлигини, сабаби Б.Эгамов дастлаб унга берган 5.400 АҚШ доллари учун шаҳар ҳокимининг қарори Э.Мўйдинов томонидан расмийлаштириб берилмагач, Б.Эгамов ундан ушбу қарор қачон расмийлаштириб берилишини сўраб келаверганлигини, уни банкка тўловни амалга оширишлигини унга Э.Мўйдинов айтганлигини, шу тариқа олди-берди бўлганлигини, ҳақиқатдан ҳам Б.Эгамовни тўқсон фоиз гапи тўғрилигини, лекин ҳаммаси ҳам эмаслигини, Б.Эгамовнинг кўрсатмаларига тушунмасдан қолаётганлигини, ҳаммаси бўлиб тахминан 26.675 АҚШ доллари атрофида пулини олганлиги тўғрилигини, аслида Б.Эгамов улардан ер сотиб олганлигини, лекин бу ерлар давлат захирасида қолиб кетганлигини, 1400 АҚШни ҳам Б.Эгамов таклиф қилганлигини, ҳужжатни қилиб берадиган бўлганлигини, лекин бирор бир мансабдор шахс орқали амалга оширишлигини айтмаганлигини, уйи бузилишга тушган одамларни уйини олиб бермоқчи бўлишганлигини, шу кунга қадарли агар Б.Эгамов пулини қайтариб беришлигини айтган бўлганида қайтариб берган бўлишлигини, аслида Б.Эгамовда уларни пулларни олганлиги тўғрисида тилхати ёки гувоҳи бўлмасада, ундан пул олганлигини тан олишлигини, агар унга ёмонлик қилмоқчи бўлганида тан олмасликлари ҳам мумкинлигини, лекин у бирор бир мансабдор билан келишмаганлигини, пора демаганлигини, у аслида маклер эканлигини ер олиб сотишлигини, терговда Б.Эгамовни чалғитишганлиги сабабли нима деганлигини билмасдан гапирган бўлиши мумкинлигини, уни Б.Эгамовдан 13.000 АҚШ доллари атрофида қарзи борлигини, бошқа масалаларни бунга алоқаси йўқлигини,



оилада ягона боқувчилигини, турмуш ўртоғи касаллигини, ногирон фарзанди борлигини, зарарларни тўлаб беришлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, суддан оилавий шароити ва моддий аҳволини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Э.Муйдинов, судда айбига қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам терговдаги кўрсатувларини тасдиқлашлигини, ҳақиқатдан ҳам судланувчи Н.Мухамедовни танишлигини, Наманган шаҳар, Навоий кўчасида яшовчи фуқароларнинг уйлари бузилганлиги сабабли, ҳар бир оила учун Наманган шаҳар, Машъад МФЙ ҳудудидан 4 сотихдан ер майдони ажратиб берилганлигини, у 2018 йилда Н.Мухаммедов билан биргаликда Наманган шаҳар, Машъад МФЙ ҳудудидаги 2 та, 4 сотихдан жами 8 сотих ер майдонини 5.000 АҚШ доллари эвазига сотганлигини, шундан кейин 2019 йилда Б.Эгамовга 3 та, 4 сотихдан жами 12 сотих ер майдонини 8.500 АҚШ доллари сотишга келишганликларини, ушбу 8.500 АҚШ долларидан 4.000 АҚШ долларини Н.Мухаммедов олганлигини, Н.Мухаммедов ушбу пул маблағларидан 2.000 АҚШ долларини унга берганлигини, қолган 1.900 АҚШ долларини эса сантехника ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш учун ўз эҳтиёжларига сарфлаганлигини, 100 АҚШ долларини эса ўзининг улуши сифатида олиб қолганлигини, Б.Эгамовга 5 норма ер берилганлигини, лекин одамларни уйи бузилишга тушмаганлиги сабабли унга ҳужжатларни қилиб бериб бўлмаганлигини, терговдаги кўрсатувларини ҳозирда қисман тасдиқлашлигини, аслида Б.Эгамов ҳам улардан уй жой олиб фойдаланиб юрган одам бўлганлигини, ўша вақтларда у Н.Мухаммедовга одамларни уйи бузилмаганлиги сабабли Б.Эгамовни пулини қайтариб беришлигини айтганлигини, ўша вақтларда одамларни номига чиққан жойларни сотиб олиб, уни оила аъзолари номига ёки бошқа одамлар номига қилиб беришликни айтишганлигини, Б.Эгамовни номига ҳеч қандай ҳужжат чиқмаслигини унга айтишганлигини, лекин жиноят содир қилинганликларини инкор қилмасликларини, жиноят содир қилишганлигини, лекин содир қилинган жиноятга бирор бир мансабдор шахсни алоқаси йўқлигини, уларни орқасида ижес ёки ҳокимият вакиллар бўлмаганлигини, жиноятни ўзлари содир қилишганлигини, пулларни ҳужжатга деб олмаганликларини, ҳужжат учун бир сўм олмаганлигини, бошида иккита ер майдони кейин учта ер майдони олганлигини, шуни ўзига берилган одамларни уйи бузилмай қолганлиги сабабли ҳужжатлаштириб берилмай қолганлигини, у Б.Эгамов билан кўп гаплашмаганлигини, у билан асосан Н.Мухаммедов гаплашганлигини, уни охирги тадбирдаги аризага алоқаси йўқлигини, у уйи бузилган фуқаролар билан гаплашганлигини, лекин бу ишларга Д.Ниёзовни алоқаси йўқлигини, ҳақиқатдан 26.600 олинган бўлса, кейинги 12.500 Н.Мухаммедов олган жойни ҳужжати бўлмаганлигини, қолганлари қурувчиларни жойи бўлганлигини, ўшани пули бўлганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини ва оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновларнинг айби, ўзларининг қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги

плар билан ҳам ўз исботини топади.



Жумладан, гувоҳ Б.Эгамов, ҳақиқатдан ҳам дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашлигини, айбловда кўрсатилган ҳолатлар тўппа-тўғрилигини, 2018 йилда уларни маҳалласида ер майдонлари одамларга тақсимлаб берилганлигини, Н.Мухамедов олмоқчи бўлган вақтида Н.Мухамедов жойни унга тегишли эканлигини айтганлигини, ўша вақтларда Н.Мухамедов билан уч норма ерда 10.000 АҚШ доллари келишишганлигини, бошида ерни ҳужжатини қилиб берганлигини, бошида у жой Муҳаммад исмли шахсни жойи бўлганлигини айтганлигини, пулни Носир ака олганлигини, кейин 8 сотихли икки норма ер учун 5400 АҚШ доллари берганлигини, ўшанда Э.Муйдинов қурувчини ери деганлигини, 5400 АҚШга документларини қилиб бермоқчи бўлишганлигини, унга ҳужжатлар учун тўловни ҳам қилдиришганлигини, документларини қилиб беришлигини айтиб уйига ҳам борганлигини, яна ўша ердан яна учта ер майдонини 8500 АҚШга келиб олганлигини, ўшанда 4000 АҚШ берганлигини 1100 АҚШ долларини Э.Муйдинов олганлигини, ўша вақтларда унга Э.Муйдинов ва Н.Мухамедовлар сабр қилиб туришлигини, танишлари орқали ҳужжат қилиб беришларини айтганлигини, у беш норма ердан ташқари яна беш норма ер бўлганлигини, улар алоҳида эканлигини, бошида булар Абдулло дегани билан гаплашишганлигини, улар унга ким келса улар жавоб беришларини айтганликларини, у ушбу жойдан фойдаланган холослигини, лекин ҳужжат қилиб беришмаганлигини, 15.500 АҚШ долларилек жойдан жами саккиз норма ер олинганлигини, бошидаги 5400 АҚШни Н.Мухамедов олганлигини, кейинги 15.500 АҚШни ҳам Н.Мухамедов бўлиб-бўлиб олганлигини, документларини қилиб беришлигини айтганлигини, унга ижесда ишлайдиган Дилшод деган таниши борлигини, ҳужжатларни ўша қилиб беришлигини айтганлигини, уни кутиб туришлигини ҳужжатлари чиқишлигини айтиб уни алдаганликларини, ундан ҳамма пулларни ҳужжатларини қилиб беришлигини айтиб олганлигини, ҳозирга қадарли судланувчиларда 29.400 АҚШ доллари пуллари турганлигини, судланувчилар ушбу 29.400 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни ҳужжат қилиб беришлиги эвазига пора тариқасида олишганлигини, ўша вақтларда 5400 АҚШ долларини, 4000 АҚШ долларини, яна бўлиб-бўлиб 15.500 АҚШ долларини, 1400 АҚШ долларини ундан Н.Мухамедов олганлигини, 1100 АҚШ долларини Э.Муйдинов олганлигини, оҳирги тадбирда сўралган 3500 АҚШ доллари ҳам Н.Мухамедов олган бўлсада, у пуллар Э.Муйдиновга ҳужжатлар учун берилиши керак бўлганлигини, лекин Н.Мухамедов бешта участкани иккитасини ҳужжатига кетадиган пулини бериб тур қолганини кейин бершилигини айтганлиги сабабли тадбирда пулларни 1400 АҚШ доллари ишлатилганлигини, тергов даврида юзлаштиришларда судланувчи тан олишганлигини, 1400 АҚШни ҳужжатларни тезлаштириш учун олишганлигини, пора учун пул бериш таклифи судланувчилардан чиқанлигини, аслида Н.Мухамедов маклер эмаслигини, уни далиллари борлигини, таниш билишлари орқали ҳал қилиб беришмоқчи бўлишганлигини, унга судланувчилар жойни кўрсатиб унга бетон қуйишликни айтишганлигини, ҳужжатлари қилиб беришликларини айтишликларини, аслида улар унга уйи бузилган одамларни ерни олиб



беришмоқчи бўлмаганлигини, улар таниш билишлари орқали иш битиришганлигини, ўша вақтларда унга пулларни ҳаммаси Н.Мухамедов судланувчи Э.Муйдиновга ўтганлигини айтганлигини, унга пулни беришлигини, улар ҳужжатларни қилиб беришлигини айтишганлигини, ҳокимиятдан ва ижесдан танишлари борлигини айтишганлигини, лекин Дилшод терговда уларни танимаслигини айтганлигини, пора пулларини давлатга ўтиб кетиши мумкинлигини ҳам билишлигини, ундан айбловда кўрисатилган барча пуллар фақат пора учун олинганлигини, бўлмаса захирадаги ерга ҳеч ким ҳужжат қила олмаслигини ҳамма билишлигини, улардан бир неча маротаба шу тариқа ерларни олганлигини, терговдаги кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашлигини, судланувчиларга қонуний чора кўришни сўради.

Суд ҳайъати, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновларнинг кўрсатувини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, унинг жиноят содир этганликдаги айби юқоридагилардан ташқари, билдирги, ариза, аризачи томонидан тақдим қилинган сўзлашувлар ёзиб олинган дискни кўздан кечириш ва қабул қилиб олиш баённомаси, сўзлашувлар стенограммаси, пулга кимёвий ишлов бериш, кимёвий ишлов берилган пул маблағлари ва овоз ёзиш мосламасини аризачига тақдим этиш баённомаси ва фотоиловалар, квитанция, ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказиш, воқеа жойини кўздан кечириш, нарса ва ашёларни олиш баённомаси ва фотоиловалар, ихтиёрий равишда тақдим қилинган пул маблағларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси, аризачидан овоз ёзиш мосламасини қайтариб олиш баённомаси, стенограмма, ер майдонларини мутахасис иштирокида кўздан кечириш баённомаси, Наманган шаҳар қурилиш бўлимининг 937 ва 938-сонли ер майдонлари шаҳар ҳокимлиги захирасида эканлиги ҳақидаги маълумотномаси, АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати бўйича банк маълумотномалари, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, квитанция, юзлаштириш баённомалари, ариза, Н.Мухамедов томонидан ихтиёрий равишда тақдим этилган пул маблағларини олиб қўйиш баённомаси, Э.Муйдинов томонидан ихтиёрий равишда тақдим этилган пул маблағларини олиб қўйиш баённомаси, юзлаштириш баённомалари, АҚШ долларини сўмга нисбатан қиймати тўғрисидаги банк маълумотномаси, кўздан кечириш ва сўзлашувларни эшитиб кўриш баённомаси ва стенограммаси, ашёвий далилни топшириш баённомаси ва квитанция, нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этиш ҳамда уларни иш ҳужжатларига қўшиб қўйиш баённомаси, Наманган вилоят ИИБ ЭКБнинг 2021 йил 15 октябрдаги 2206-сонли хулосасида “текшириш учун тақдим қилинган Н.Мухамедовнинг ўнг ва чап қўлларидан олинган суртмалар, тиббий резина қўлқопларининг сиртқи юзаларида ва далилий ашё сифатида олинган олинган пулларни сиртқи юзаларида махсус кукун излари мавжудлиги, махсус кукун излари, мавжуд кукунлар таққослаб кўриш учун юборилган намунага кимёвий таркиби ва нурланиш рангига кўра турдошлиги, текшириш учун тақдим этилган пулларнинг бир томонлари марказларидаги “Пора 2021” ёзуви ўрнатиш учун юборилган қалам наъмунасига ранг товланиши билан



ўхшашлиги” ҳақидаги кимёвий экспертизаси хулосаси, тушунтириш ҳатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда ишдаги тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Гарчанд судда судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлар айбига қисман иқрорлик билдириб, пора бериш таклифи аризаси Б.Эгамовдан чиққанлигини, аслида у пора беришга далолат қилмаганлигини, улар маклерлик қилишганлиги, ер сотишганлигини айтиб кўрсатув берсаларда, уларнинг бу кўрсатувларини ишда мавжуд бўлган аризачи Б.Эгамов ва судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновларнинг сўзлашувлар стенограммасидаги сўзлари (жи 2 жилд 155-160 бетлар), суддаги ва терговдаги аризачи Б.Эгамовнинг ундан жами 26.675 АҚШ долларини судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлар ундан танишлари орқали ҳоким қарорини чиқариб ҳужжатларни расмийлаштириб бериш эвазига пора тариқасида олганликлари ҳақидаги кўрсатувлари ва судланувчиларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари билан тўлиқ рад қилиб, суд ҳайъати унинг бу кўрсатувларини ҳуқуқий оқибатни билиб жавобгарликдан қутилиш мақсадида келтирган важи деб танқидий баҳо беради.

Суд ҳайъати, судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлар бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистемол қилиш йўли билан захирадаги ер майдонларини унинг номига танишлари орқали эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ҳокимлик мансабдор шахслари ва қурилиш бўлими мансабдор шахслари орқали расмийлаштириб бериш эвазига 2018 йилнинг баҳор ойларида 5400 АҚШ доллари, такроран 2018 йилнинг ёз ойларида 4000 АҚШ доллари, такроран 2019 йилнинг июнь ойида 4500 АҚШ доллари талаб қилиб, 1.775 АҚШ долларини қўлга киритишда, такроран 2019 йилнинг ёз ойларида бўлиб-бўлиб 15.500 АҚШ доллари жами бўлиб 29.400 АҚШ доллари миқдорида Б.Эгамовни пора беришга далолат қилиб, шундан жами 26.675 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни қўлга киритиб, ҳокимият вакилларига пора беришга кўп миқдордаги қийматда далолат қилишда, шунингдек такроран судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлар бир гуруҳ бўлиб, 5 та хар бири 4 сотихдан бўлган жами 20 сотих ер майдонига эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириб беришликни ваъда қилиб, давлат органи мансабдор шахсларини манфаатдор этиш орқали пора беришга далолат қилиб, Б.Эгамовни пора беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиб, 3.500 АҚШ долларини талаб қилиб, олдиндан 1.400 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини беришга кўндириб, судланувчи Н.Мухамедов орқали Б.Эгамовдан кимёвий ишлов берилган 1.400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланиб, ўзганинг мулкини пора беришга далолат қилиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилишда ифодаланган жиноий қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддаси 2-қисмида қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга



кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 7-бандида мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши;

22-бандининг 3-хатбошисида агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорининг 15-бандида “агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди”, 16-бандида “пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жинойий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди (ЖКнинг 211, 212-моддаларига изоҳ). Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар” ҳамда 17-бандида “агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуалкодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади” деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида Ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир деб топилиши;



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддасида Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айнаи бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг “Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга оид қонунларни қўллаш бўйича” 49-бандида Судлар шуни назарда тутишлар лозимки, ЖК 59-моддасида белгиланган жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади: , қилмиш Жиноят кодексининг турли моддалари бўйича квалификация қилинганда; қилмиш Жиноят кодекси муайян моддасининг бир неча қисмлари билан квалификация қилинганда, башарти ушбу қисмлар турли жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутса (масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари); шахс бир неча айнан ўхшаш қилмишни содир этган бўлиб, улардан айримлари тугалланган жиноят, бошқалари эса — жиноятга тайёргарлик, суиқасд тариқасида квалификация қилинганда ёки айримлари мустақил, бошқалари эса иштирокчиликда содир этилганда; иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбдорлиги аниқланганда.

Шахс Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганликда айбдор деб топилганда жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинланади (ЖК 33-моддаси). -деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновларга жазо тайинлашда, дастлабки тергов органи томонидан дастлаб уларнинг қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди ва 28,211-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан малакаланиб, сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖПКсининг 416-моддаси тартибида уларнинг айблови ўзгартирилган ҳамда янги айблов Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлсада, юқоридаги қонун ва Пленум қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан малакаланган қисми бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28,211-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари тўғридан-тўғри қилмишни қамраб олишлиги, бу тоифадаги жиноятлар содир қилиниши билан тугалланишлигини инобатга олиб, ишни шу қисмига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 33-моддасини тадбиқ қилишни ва



судланувчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан жазо тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

7-бандида Қонун (ЖК 55-моддаси) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чекламайди. Шу сабабли жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин (масалан, ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши, судланувчининг ёш боласи борлиги, жиноятнинг бировга раҳмдиллик кўрсатилиши сабабли содир этилиши, айбдор томонидан бевосита жиноят содир этилганидан сўнг жабрланувчига тиббий ёки бошқа тарзда ёрдам кўрсатилиши ва ҳ.к.). Бундай ҳолатнинг жазони енгиллаштирувчи деб топилганлиги ҳақидаги хулоса ҳукмда асослантрилиши кераклиги;

Ушбу қарорнинг 8-бандида Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар доираси (ЖК 56-моддаси) қатъий белгиланган бўлиб, у суд томонидан кенгайтирилиши мумкин эмас. Бироқ, муайян жиноятнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, сабабларини ҳукмда асослантирган ҳолда суд улардан бирортасини ҳам жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Жиноят кодекси 56-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар, агар улар жиноят таркибининг белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб саналиши мумкин эмас деб кўрсатиб ўтилган.

Суд ҳайъати, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилган ҳолда, судланувчи Н.Мухамедовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасини, оилавий шароитини, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, қарамоғида гуруҳ ногирони борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қилмишда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, уни жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, етказилган қопланмаганлигини ва қилмишнинг жамият учун хавфлилик



даражасини инобатга олган ҳолда, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, ЖКнинг 168-моддасининг 5-қисми талабларига амал қилиб, ЖК 168-моддаси 3-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлсада, уни мансабдор шахс эмаслиги содир қилган жиноятлари мансаб билан боғлиқ эмаслиги сабабли ЖК 45-моддасини қўлламасликни, шунинг учун ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазосини муайян ҳуқуқдан маҳрум этмаган ҳолда тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди жазо тайинлашда, зарар йўқлигини инобатга олиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни ва ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони ўташ учун умумий тартибли калонияларга юборишни ва унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини аслича ўзгаришсиз қамоқда қолдиришни лозим деб топади.

Суд ҳайъати, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилган ҳолда, судланувчи Э.Муйдиновга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасини, оилавий шароитини, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар унинг муқаддам қасддан шундай қилмиши учун жавобгарликка тортилган шахс бўлгани ҳолда, жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир қилганлиги деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, уни жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, етказилган зарар қопланмаганлигини ва қилмишнинг жамият учун хавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, ЖКнинг 168-моддасининг 5-қисми талабларига амал қилиб, ЖК 168-моддаси 3-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлсада, уни жиноятни бевосита мансаби билан боғлиқ ҳолатда содир қилмаганлигини ва содир қилган жиноятлари мансаби билан боғлиқ эмаслиги сабабли ЖК 45-моддасини қўлламасликни, шунинг учун ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазосини муайян ҳуқуқдан маҳрум этмаган ҳолда тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди жазо тайинлашда, зарар йўқлигини инобатга олиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни ва ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил жазо тайинлашни, шунингдек, муқаддам 27.11.2020 йил кунги жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 60,61,62-моддаси тартибида тайинланган ва ҳозирда ўталмаган 2 йил ахлоқ



тузатиш ишлари жазосини янги тайинланган жазога Ўзбекистон Республикаси ЖК 60,61-моддалари тартибида қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони ўташ учун умумий тартибли колонияларга юборишликни ҳамда унга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини аслича ўзгаришсиз қамоқда қолдиришни лозим топади.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлардан солидар тартибда 26.675 АҚШ долларининг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиб, (06.05.2022 йил кун ҳолатига 1 АҚШ доллари 11.161,96 сўмни ташкил қилади) 26.675 АҚШ долларига тенг бўлган 297.745.283 сўмни солидар тартибда давлат фойдасига ундиришни лозим топади.

Суд ҳайъати, ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарори талабларига риоя қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлар олинган АТИБ “Ипотека банк” Наманган вилоят филиалига вақтинча сақловга топширилган жами 2.000.000 сўм пулларни ҳукм қонуний кучга киргач давлат даромадига ўтказишни ва судланувчиларнинг асосий қарздорлигидан чегириб ташлашни лозим топади.

Ашёвий далил тариқасида олинган ва тадбирда фойдаланиш учун тайёрланган жами 1.500 АҚШ доллари ва 21.400.000 сўм пуллар ИЖҚКД Наманган вилоят бошқармаси махсус кассасига қайтарилганлигини инобатга олишни;

-ашёвий далил деб эътироф этилган сўзлашувлар стенограммаси, жами 9 дона конвертда бўлган суртмалар, намуналар, тампон намунаси, махсус қалам намунаси, махсус кукун намунаси, тезкор тадбир акс этирилган ва тергов ҳаракатлари туширилган жами 4 дона дисклар, иш бўйича ёзма ва ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатларни жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

1) Судланувчи Муйдинов Эркин Хақимджанович Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил 1 (беш) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат



даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Муйдинов Эркин Хакимджановичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 59,61-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 5 (беш) йил 4 (тўрт) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Муйдинов Эркин Хакимджановичга муқаддам 27.11.2020 йил кунги жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 60,61,62-моддаси тартибида тайинланган ва ҳозирда ўталмаган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини янги тайинланган жазога Ўзбекистон Республикаси ЖК 60,61-моддалари тартибида қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ учун умумий тартибли колонияларга юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 27 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Муйдинов Эркин Хакимджановичга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

2) Судланувчи Мухамедов Носиржон Алиджанович Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Мухамедов Носиржон Алиджановичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 59,61-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ учун умумий тартибли колонияларга юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 27 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Мухамедов Носиржон Алиджановичга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.



Судланувчи Н.Мухамедов ва Э.Муйдиновлардан солидар тартибда 26.675 АҚШ долларига тенг бўлган 297.745.283 сўм давлат фойдасига ундирилсин.

Ашёвий далил тариқасида судланувчилардан олинган АТИБ “Ипотека банк” Наманган вилоят филиалига вақтинча сақловга топширилган жами 2.000.000 сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргач давлат даромадига ўтказилсин ва судланувчиларнинг асосий қарздорлигидан чегириб ташлансин.

Ашёвий далил тариқасида олинган ва тадбирда фойдаланиш учун тайёрланган жами 1.500 АҚШ доллари ва 21.400.000 сўм пуллар ИЖҚКД Наманган вилоят бошқармаси махсус кассасига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган сўзлашувлар стенограммаси, жами 9 дона конвертда бўлган суртмалар, намуналар, тампон намунаси, махсус қалам намунаси, махсус кукун намунаси, тезкор тадбир акс эттирилган ва тергов ҳаракатлари туширилган жами 4 дона дисклар, иш бўйича ёзма ва ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатлар жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка муддат ичида, шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: имзо

Халқ маслахатчилари: 1. имзо

2. имзо

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи

Э.Абдуллаев

